

**Каримова З.Х. - ТМИ,
профессор, и.ф.н.,
Хидиров А.И. – ТМИ,
магистрант**

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР-ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: Мақолада эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва бу борадаги хорижий тажрибалар ёритилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, юридик шахс, капитал, солиқ, эркин иқтисодий зона, экспорт, импорт, бож, валюта.

Аннотация: В статье освещены вопросы свободных экономических зон, организация нормативно-правовых основ свободных экономических зон и мировая практика в этом направлении.

Ключевые слова: инвестиции, юридическое лицо, капитал, налоги, свободная экономическая зона, экспорт, импорт, пошлина, валюта.

Annotation: The article includes the features of free economic zone, legal basis of free economic zone and foreign experience on the topic.

Key words: investment, legal entity, capital, tax, free economic zone, export, import, custom, currency.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилдагига нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди[1].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда бир қатор мамлакатлар томонидан эркин иқтисодий ҳудудларнинг самарали моделларини ташкил қилиш орқали хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш механизми

яратилиб, иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига эришишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда ҳудуднинг географик ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилганлиги бежиз эмас.

Эркин иқтисодий зона — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир[1].

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишдан кўзланган мақсад, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё стандартларига жавоб берадиган бўлишини таъкидлаш ва жаҳон бозорлари талабларига мос даражага олиб чиқиш, ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ўрнатиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, мамлакатда жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этишдир.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда Хитойда 6 та эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият олиб боради, улардан 4 таси мамлакатнинг Жануби-Шарқий қирғоқларида жойлашгандир:

Шаньтоу эркин иқтисодий ҳудудида нефть-кимё, порт инфратузилмаси, кийим-кечак, оёқ-кийим, электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида хорижий капитал иштирокидаги 3000 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилади. Иқтисодий ҳудудига жалб қилинаётган инвестицияларнинг 95 %и Гонконг, Тайван ва Сингапурга тегишлидир.

Шеньчжень эркин иқтисодий ҳудудида 17 500 тадан ортиқ корхоналар фаолият олиб бориб, жалб қилинаётган инвестицияларнинг 85 %дан ортиғи Гонконг ҳиссасига тўғри келади. Хорижий инвестицияларнинг асосий қисми атом энергетикаси, электроника, машинасозлик, молиявий сектор ва юқори замонавий технологиялар соҳаларига кириб келмоқда.

Чжухай эркин иқтисодий ҳудудида хорижий капитал иштирокидаги 4980 тадан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Хорижий инвестициялар хизмат кўрсатиш, оғир саноат, электроника, порт ва йўл қурилиши соҳаларига жалб қилиниб, уларнинг 80 %и Гонконг, Макао, Тайвань ва Сингапур ҳиссасига тўғри келади.

Сяминь эркин иқтисодий ҳудудида хорижий капитал иштирокидаги 4150 дан ортиқ корхоналар фаолият юритиб, жалб қилинган инвестицияларнинг

80%и Тайвань ҳиссасига тўғри келади. Электроника, текстиль, озиқ-овқат саноати ва кимё саноати инвестициялашнинг асосий соҳалари ҳисобланади.

Хайнань эркин иқтисодий ҳудудида 7320 тадан ортиқ корхоналар фаолият олиб бориб, хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 22,3 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этади.

Янги Пудун тумани Шанхайнинг таркибий қисми автомобилсозлик, электроника, телекоммуникация, энергетика соҳаларида 5400 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда [2].

Бугунги кунда республикамізда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш, ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4853-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналар деб аташ белгиланди.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари қуйидаги тўловлардан озод қилиниши белгиланган:

➤ ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

➤ ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Вазирлар

Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари).

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлар 3 йилдан 10 йилгача муддатни ўз ичига олган бўлиб, бунда киритилган сармоялар миқдори инобатга олинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга;
- 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;
- 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;
- 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилади.

2016 йилда «Ангрен» эркин иқтисодий зонада умумий қиймати 43,5 млн. АҚШ доллари, шундан 24,1 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлган 7 та лойиҳа бўйича янги ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2016 йилда мазкур эркин иқтисодий зонада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 929,0 млрд. сўмни, экспорт ҳажми 13,0 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Бугунги кунда ҳудудда ички ва ташқи бозорлардаги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 20 турдан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда [3].

2016 йилда «Ўжиззах» эркин иқтисодий зонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 255,2 миллиард сўмни, экспорт ҳажми 11,9 миллион долларни ташкил этган. Ҳозирги кунда ҳудудда автомобиллар ва юк машиналари учун тормоз колодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш машинаси, микротўлқинли печь, светодиодли лампалар, полипропилен иплар, видео ва IP телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар каби турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда [4].

Ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “«Ургут»,

«Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-4931-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, қуйидагилар «Ургут» ЭИЗ, «Ғиждувон» ЭИЗ, «Қўқон» ЭИЗ ва «Ҳазорасп» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланган:

➤ ташқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

➤ Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

➤ мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

➤ маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

➤ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чоратадбирларини кўриш.

«Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарга ҳам «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналарда амал қилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фармацевтика соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилган таркибий ўзгартиришлар амалга оширилди.

Натижада 146 та маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан 2000 хилдан ортиқ дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз фармацевтика бозорида маҳаллий дори-дармон воситаларининг улуши 55 фоизни ташкил этди.

Дунё фармацевтика саноатида 8500 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг 6300 таси халқимиз эҳтиёжлари учун импорт қилинади. Юртимиздаги дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган фармацевтика корхоналарининг хорижий хом ашё ҳамда материаллар импортига юқори даражада боғлиқлиги соҳа ривожига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сонли Фармонига асосан, Қорақалпоғистон Республикасида «Нукус-фарм», Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этилди.

«Нукус-фарм» ЭИЗ, «Зомин-фарм» ЭИЗ, «Косонсой-фарм» ЭИЗ, «Сирдарё-фарм» ЭИЗ, «Бойсун-фарм» ЭИЗ, «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗ ва «Паркент-фарм» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

- юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда доривор ўсимликлар хомашёси негизида ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

- доривор ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш ва дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш;

- мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва эркини иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси ва материаллари негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

➤ доривор ўсимликлар хом ашёси интродукция ва культивациясини ўрганиш бўйича тажриба-экспериментал лабораториялари бўлгани илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш.

Мазкур эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади ва фаолият кўрсатиш муддати мобайнида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади.

Жумладан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан тегишли инвестициялар киритилганда, улар:

➤ ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалардан;

➤ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, хом ашё ҳамда бутловчи буюмларни олиб киришда божхона тўловларидан озод этилади.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шартлари ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу берилаётган имтиёз ҳамда қулайликлар маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар томонидан иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестициялар киритилишига бўлган қизиқишни оширади.

Таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакатга чет эл сармоясини жалб қилиш билан бирга, инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини барпо этиш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, республикамыз ҳудудларида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда катта имконият беради. Уларга кўп миқдорда хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларнинг кириб келиши мамлакат иқтисодий фаровонлик даражасининг юқори ва барқарор бўлишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь №11(6705) сон – 1 б.
- 2.“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент ш., 1996 йил 25 апрель, 220-I-сон.
3. Шухунь Г. Эволюция развития свободных экономических зон в Китае. Журнал Европейской экономики. Том 11 (№2). 2013. С.201-202
4. <http://fez.uz/news/display/ob-itogah-raboty-svobodnoy-ekonomicheskoy-zony-angren-za-2016-god-i-osnovnyh-zadachah-na-2017-god>
- 5.<http://uza.uz/oz/business/zhizzakh-erkin-i-tisodiy-zonasi-yirik-sanoat-markazi-17-01-2017>